ALISHER NAVOIY

* * *

УММОНДАН ДУРЛАР

* * *

PERLEN AUS DEM OZEAN

* * *

PEARLS FROM THE OCEAN

АЛИШЕР НАВОИЙ

УММОНДАН ДУРЛАР

Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар

(Ўзбек, немис ва инглиз тилларида)

Тузувчи ва таржимон: *Йўлдош ПАРДА*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2000

Таҳрир ҳайъати:

Ҳ. Бобоев, К. Назаров,
А. Жўзжоний,
Й. Каракетов, Т. Мирзаев,
У. Бозоров, Т. Сатторов,
О. Муҳаммаджонов.

Масъул муҳаррирлар:

проф. *Ҳ. Бобоев*
проф. *К. Назаров*

Таржимонлар:

Й. Парда (нем)
Н. Пфеффер (нем.)
Қ. Маъмуров (инг.)
Л. Кметюк (инг.)

© Тошкент Давлат юридик институти
© Йўлдош Парда, тузувчи
© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000 йил.

СЎЗБОШИ

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг асарлари чуқур фалсафий тафаккур дурдоналаридир. Асрлар оша, довонлар оша келаётган бу асарлар умри боқийдир. Вақтлар ўтган сайин, замонлар кечган сайин улар дурахшон юлдузлардек ярқираб, чирой очаверадилар... Уларда теран ҳаётий тажриба юксак бадиият ила омухта бўлиб, ўлмас гўзаллик касб этган.

Шоир ижоди ҳам мазмунан, ҳам шаклан уммондек беқиёсдир.

Ушбу китобчада ана шу уммондан терилган дурларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бунда сиз шоирнинг энг сара йигирма битта ғазали, асарларидан териб олинган ҳикматли сўзлари ва баъзи рубоийлари билан танишасиз.

Тўплам Тошкент Давлат юридик институтининг «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида ҳамда Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказида тайёрланди. У кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Изоҳ:

Ўзбекча матнлардаги рақамлар немисча ва инглизча матнлардаги рақамларга мутаносибдир.

«ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ»

Қадим замонларда туркий халқлар дунёнинг тўрт томонини тўрт хил ранг билан тасвирлашган: шимол — қора рангда, жануб — қизил рангда, мағриб — сариқ (оқ) рангда тасвирланган. Чексиз-чегарасиз яйловлар ва чўллардан иборат бўлган машриқни ҳамиша яшил рангда тасвирлаганлар. Инсонпарвар ғоялар ва қарашлар маскани бўлмиш ям-яшил шарқни кўпинча дунё маданияти бешиги деб ҳам аташади, зеро бу масканда Абу Али ибн Сино, ал-Форобий, Улуғбек ва бошқа алломалар таваллуд топган. Шарқнинг машҳур фарзандларидан бири Алишер Навоий эди. Гўзал сўзлар, нозик туйғулар тасвири устаси бўлмиш бу зот тўғрисида оддийгина қилиб гапириш оддий иш эмас. Кўпгина олимлар уни шарқ осмонида чарақлаб нур сочган ёруғ юлдузга менгзашади. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ўзининг чуқур маънолиги ва бадиий тасвирларга бойлиги шарофатидан дунё адабиёти хазинасида муҳим ўрин тутади. Унинг асарларининг бош мавзуси инсон, унинг ички дунёси ва борлиққа муносабатидир. Шоир ўз асарларида дунёни бутун ранг-баранглиги ила, яъни энг майда заррачадан тортиб чексиз коинот қадар тасвирлаган. Ўз ғояларини шоир инсоний тафаккур призмаси орқали ўтказиб, инсоннинг дунё билан омухта бўлиб кетиши орқали баён этади. Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси ва ўзбек классик адабиётининг отаси ҳисобланади, чунки у биринчи бўлиб ўзбек тилида бадиий асарлар яратган. Унинг замондошлари ўз ғазалларини форс тилида ёзишар ва ўзбек тилида гўзал ғазаллар ёзиб бўлмайди,

деган фикрда эдилар. Шоир ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» номли трактатида ўз она тилини ўзбек тилига паст назар билан қаровчи шоирларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилди ва ўзбек тилида гўзал ғазаллар яратди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махмур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодирабегим, Увайсий, Маҳзуна ва бошқа шоирлар Навоийнинг издошларидир. Улар Алишер Навоийнинг асарларидан таъсирланиб, уларни ўқиб, ўрганиб ўз асарларини яратганлар.

Энди ғазал хусусида икки оғиз маълумот бермоқчиман. Ғазал Шарқда кенг тарқалган шеър турларидан биридир. У асосан 12—14 қатордан иборат бўлиб, а-а, б-а, в-а, г-а шаклида қофияланади. Ғазалнинг ҳар жуфт мисраси битта тўлиқ маънога эга бўлади. Агар ғазалнинг биринчи мисраси мисол учун 12 та очиқ ва ёпиқ бўғинлардан иборат бўлса (очиқ бўғин унли товуш билан ва ёпиқ бўғин ундош товуш билан тугалланади), қолган мисралар ҳам худди шундай кўринишда бўлиши лозим.

Мағриблик ўқувчилар кўнглида албатта «Навоийни қандай хизматлари учун бунчалар ҳурмат қилишади?» деган савол туғилиши мумкин. Биринчи навбатда уни албатта шоир, олим ва давлат арбоби бўлганлиги учун ҳурмат қилишса, иккинчидан уни чинакам инсонпарвар бўлгани учун эъзозлашади, чунки у фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам Ўрта асрлар схоластикасига, золимликка, тахт учун бўлган қонли урушларга қарши курашди, ўзини адолат йўлига, халқнинг фаровонлиги йўлига бутунлай бахшида этди. Шоир ўз ҳисобидан турли маиший бинолар, мадрасалар, кутубхоналар ва касалхоналар қурдирган, зеро унда аждодларимизнинг энг яхши хислатлари ўз тажассумини топган эди. Ўзининг ҳикматли сўзларидан бирида шоир шундай дейди:

«Одами эрсанг демагил одами,
Онингким йўқ халқ ғамидин ғами.»

Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида, сарой хизматчиси оиласида дунёга келди. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина Шоҳруҳмирзо саройида, яъни ўша вақтлардаги Хуросон ҳукмдори саройида хизмат қиларди. Унинг онаси шаҳзодаларнинг тарбиячиси бўлган. Оила шароити ёш Алишерда бадиий адабиётга улкан муҳаббат уйғотди. Унинг отаси маърифатли киши бўлганлиги ва тоғалари Кобулий ҳамда Ғарибийлар шоир бўлишгани сабабли, уларнинг уйида тез-тез шеър кечалари ташкил этилар ва келган шоирлар ўзларининг янги ғазалларини ўқиб берардилар. Алишер ҳам бу йиғинларда иштирок этар ва ўзи ёд олган ғазалларни айтиб берарди. У жуда ёшлигиданоқ ғазал ёза бошлади. Шоирнинг замондоши, тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, ўз даврининг машҳур шоирларидан бири ҳазрат Лутфий бир куни ёш Алишердан ёзган янги ғазалларини ўқиб беришни илтимос қилади. 12 ёшли Алишер қуйидаги мисраларни айтиб беради:

«Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.»

Ҳазрат Лутфий бу ажиб ўхшатишдан шунчалар таъсирланадики, «агар иложи бўлганда ўзимнинг бутун асарларимни шу икки мисрага алмашган бўлурдим» деб Алишерни мақтаб қўяди. Алишер ўн уч ёшга кирганда унинг отаси оламдан ўтди. Хуросоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Абулқосим Бобур ёш Алишерни ўз паноҳига олди ва унинг оиласига ёрдам бериб турди. Алишер ўн беш ёшга тўлганда дўсти Ҳусайн Бойқаро билан бирга Машҳадда, Бобур саройида хизмат қила

бошлади. 1457 йилда Бобур вафот этди. Навоий Машҳадда қолиб, ўқишини давом эттирди. Темурийлар оиласидан бўлган Ҳусайн Бойқаро эса Марвга кетиб, ўша ерда тахтни қўлга киритиш учун тайёргарлик қила бошлади. Аммо ўша пайтда у тахтни эгаллай олмади. Мустабид феодал ҳукмдорлардан бири бўлмиш Абу Саид тахтга ўтирди. У Улуғбекнинг бир қанча қариндошларини қатл эттирди. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг, яъни рақибининг дўсти бўлгани учун Абу Саид уни Самарқандга сургун қилди. 1469 йилда Абу Саид қўшини Эронда мағлубиятга учради, унинг ўзи эса ўлдирилди. Ҳусайн Бойқаро вақтни қўлдан бой бермай Ҳиротни эгаллади. Ўша йилнинг апрелида Алишер Ҳиротга қайтиб келди ва муҳрдорлик вазифасига тайинланди. 1472 йилда Бойқаро уни Бош вазир этиб тайинлади. Султон Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик буюк шоирнинг вафотигача давом этди, аммо уларнинг фикрлари бир жойдан чиқмаган ва ораларида турли келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳоллар ҳам бўлиб турган, албатта. Тарихчиларнинг хабар беришича, Алишер Навоий вафот этганда Ҳусайн Бойқаро ўзининг барча сарой аёнлари билан хизматкор кийимида келиб, жанозага ва дуои фотиҳага келган кишиларга хизмат қилган экан. Алишер Навоий ўттиздан ортиқроқ асар яратган. Уларнинг энг машҳурлари Навоийнинг «Хазойин ул маоний» (Маънолар хазинаси) асарида жамланган. Бу асарнинг яна бир номи бор, у «Чор девон» яъни «Тўрт девон» деб юритилади. У тўртта шеърий тўпламдан иборат. Бу асарда 3122 та ғазал бўлиб, улар 44900 мисрани ташкил этади. Ҳар бир шеърий тўплам ўзининг номига эга: 1) Ғаройиб ус сиғар. 2) Наводир уш шабоб. 3) Бадойи ул васат. 4) Фавойид ул кибар.

Асарнинг ҳар бир қисми инсон ҳаётининг турли даврларига мос келади. Алишер Навоий ўзининг улкан поэтик асари бўлмиш «Ҳамса» билан дунё адабиётидан жой олди. Бу асар мазмунининг чуқурлиги ва образларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. У бешта катта достондан ташкил топган: 1) Ҳайрат ул аброр — Яхши кишиларнинг ҳайратланиши; 2) Фарҳод ва Ширин; 3) Лайли ва Мажнун; 4) Саъбаи сайёр — Етти сайёҳ; 5) Садди Искандарий — Искандар Девори. «Ҳамса» 50000 мисра шеърдан иборат ва шоирнинг форс тилидаги «Девони Фоний» асарида 1094 та ғазал бўлиб, улар 10408 мисрани ташкил этади. Туркий халқлар дунёсида Алишер Навоий энг машҳур, энг ҳурматли шоирдир. Унинг ижодини улкан бир уммонга қиёс қилишади. Бу уммоннинг туби жавоҳирларга, марваридларга лиммо-лим. Поэтик асарларидан ташқари Навоий кўпгина илмий асарлар ҳам яратган.

Советлар даврида Алишер Навоийнинг ижоди фақат бир томонлама ўрганилди. Дин, шариат тўғрисида сўз юритилган асарлари чоп этилаётганда аёвсиз равишда қисқартириб ташланди. Баъзи олимлар ўз илмий ишларида Навоийни ўтакетган атеист (динсиз) сифатида тасвирладилар. Ўз гапларининг исботи тариқасида улар Алишер Навоийнинг динни ниқоб қилиб, бойлик, шахсий ҳузур-ҳаловат ортидан қувган баъзи «диндорлар», муллалар ва шайхлар устидан кулган, масхара қилган мисраларини мисол қилиб келтирдилар. Ҳа, Навоий асарларида шундай мисралар ҳам бор, аммо бу мисраларни синчиклаб ўқийдиган бўлсак, улар Аллоҳ номидан гапирган, аммо биринчи навбатда ўз жиғилдонларини ўйлаган «диндорлар» тўғрисида эканлиги ойдек равшан бўлади. Алишер Навоий яшаган даврни динсиз тасаввур қилиш ақлга сиғмайди, бу давр

ахир дин, шариат гуркираб яшнаган давр эди-ку. Шу сабабдан шоирнинг асарларини тўғри тушунишни истаган киши Ислом динини, Қуръони карим оятларини яхши билиши керак. Алишер Навоий шубҳасиз мўъмин-мусулмон киши бўлган. Унинг ғазалларида биз Ислом пайғамбари Муҳаммад Мустафо исмини, насронийлик пайғамбари Исо Масиҳ номини тез-тез учратамиз. Мусулмон сўзи ўзини Аллоҳга бутунлай бахшида этиш демакдир. Агар киши Аллоҳга, Унинг фаришталарига, нозил қилинган Китобларга ва Аллоҳнинг пайғамбарларига ишонмас экан, у чинакам мусулмон ҳисобланмайди. Бу билан мен Навоийни худди Аҳмад Яссавийга ўхшаш таркидунёчиликка тарғиб этган ўта диндор шоир эди, демоқчи эмасман, йўқ, таркидунёчилик эмас, балки умуминсоний ва инсонпарвар ғоялар, масалан, Ватанга, халққа муҳаббат, тинчлик, дўстлик ва бирдамликка тарғиб этиш ғоялари Алишер Навоийнинг барча асарларининг ўқ томиридир. Алишер Навоий асарларининг асосий қаҳрамонлари ўзбеклар, ҳиндлар, хитойликлар, араблар, арманилар ва бошқа халқларнинг вакилларидир. Бу ҳол шоир асарларининг халқаро характерга эга эканлигидан, унинг ўзи эса барча халқларнинг ўзаро баҳамжиҳат умр кечиришлари тарафдори эканлигидан далолат беради. Мақола бошида туркий халқларнинг дунё буржларини турли ранглар билан тасвирлаганлиги айтилган эди. Эътибор беринг:

«Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сариғ, яшил.»

Бир ғазалда ушбу рангларнинг, яъни жануб, мағриб ва машриқ белгиларининг уйғун келишини дунёга қарата «бирдам, баҳамжиҳат бўлинг», деган чақириққа менгзагим келади.

Йўлдош Парда

1

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шўълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳ ила,
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориғ, яшил.

Шишадек кўнглимдадур гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.

Оразу хилъат била хаттинг хаёлидан эрур,
Кўзларимни олдида даврон қизил, сориғ, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла, сабзада,
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ,
яшил.

Фақр аро бирранглик душвордур беҳад, валек,
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил.

Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.

2

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму, чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзғоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай деб, ўлтурманг мени,
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам,
Йўлға ким аввал қадам маъшуқи ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

3

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки кун — кундин узай сендин кўнгил,
Ваҳки, кун — кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим, вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго, бўлдум санго.

Қай пари пайкарга дерсен, телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Эй кўнгил, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Fусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

4

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, ўлдурур,
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаким, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Булъажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

5

Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қирокдин осмонға тушти ўт.

Дедилар, эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти,
Бу сўз эшиткач мени бехонумонға тушти ўт.

Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,
Барқи офат чоқилиб ул корвонға тушти ўт.

Ўқларинг кўнглумга тушгач куйди ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр хўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт.

Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонға тушти ўт?

Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургали,
Элга ўт солдинг вале, мен нотавонға тушти ўт.

Эй Навоий, билки оҳи чекмишам беихтиёр,
Десаларким, бешаи Мозандаронға тушти ўт.

6

Вою юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди
ёр.

Борди ўқдек тезу ёдек қоматим ёт этмади,
Ишқ аро гўё менинг эгрилигимни билди ёр.

Чун гадолар бирла шаҳлар қилмас эрмиш ёрлиқ,
Мен гадони кўзға, бас, невчун бурундин илди
ёр?

Панд эшитиб, дўстлар, ҳеч ким била ёр
ўлмангиз,
Ким менинг бағримни тиғи ҳажр бирла тилди ёр.

Мендин уйрилғон балову дард учунми йиғлайин,
Ё ангаким борибон ағёр ила қотилди ёр?!

Йиғлашиб ғам шоми зоҳир айласунлар дард ўтин,
Кимгаким байтул — ҳазанда шамъдек топилди
ёр.

Эй Навоий, ёр учун тортар эдинг ғурбатда ранж,
Йўлға туш, эмди равонроққим, азимат қилди ёр.

7

Бир пари пайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени,
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавойини не тонг, кўргузсалар бир-
биргаким,
Эгма қошинг фикри андоғким ҳилол этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин, вале ўтган кеча,
Бода зўр айлаб, йиғи беэътидол этмиш мени.

Ёр кўйи ичраким туфроғ ила тенг бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени.

То танимга ўт туташмиш, баркдекдур ҳайъатим,
Фурқатинг то заъфдин андоғки нол этмиш мени.

Ўт солурмен оҳ ила оламға, мен ким — зуҳд
ким?
Зоҳиди афсурда, оё, не хаёл этмиш мени?!

Дашт ваҳшига анис ўлсам Навоийдек, не тонг,
Ул пари савдоси чун Мажнунмисол этмиш мени.

8

Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Тўш-тўшимдин баски расволиғ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йўлдин чиқарлар ўтсалар ёнимдин эл.

Бахтим уйқусиға гўёким сурудедур ҳазин,
Кўйида буким уюмас ҳар тун афғонимдин эл.

Тонимаслар бир-бирин ёққон мазаллат гардидин,
Сўрғали ҳолим кириб-чиққунча вайронимдин эл.

Менда тумори жунундек печ, ваҳким, бехабар,
Ҳар тараф кўнглумда қонлиғ доғи пинҳонимдин эл.

Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла тавф,
Каъбайи кўйин хабар топқунча борғонимдин эл.

Эй Навоий, қилмағайлар айб агар девонамен,
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин эл.

9

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қаддинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға бағир қонидин хино боғла
Итингға ғамзада жон риштасин расан қилғил,

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошолиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

10

Май бирла юзинг тим-тим аҳмарму экин оё?
Ё шуъла аро бир-бир ахгарму экин оё?

Ҳар сори қулоғингда гавҳарму экин ёхуд,
Ҳар жонибида ойнинг ахтарму экин оё?

Рухсоринг узра хайдин юз қатраки, кўргуздинг,
Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?

Ғунча ичида даврон муҳкам тикон урғондек,
Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?

Кўнглум қушиким, қолмиш зулфунг аро
саргардон,
Савдо тунида сойир шаппарму экин оё?

Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган,
Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?

Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрга мойилдур,
Ё заҳри фироқ ичра ништарму экин оё?

Жон пардасида ҳарёнким янги туганлардур,
Қатлимға фалак тузган маҳзарму экин оё?

Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти,
Ишқингни, сенга бу сўз боварму экин оё?

11

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Ошкор айлаб юзин кўзимни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас, недурким қон келур оғзингдан афғон айлагач?!

12

Гул сочар ел боғ аро сарви равоним келдиму?
Жон иси гулдин келур ороми жоним келдиму?

Бехуд эрдим, айтгали кўнглум чу келдим ҳолима,
Айтинг, ул овораи бехонумоним келдиму?

Қолмиш эрди хаста жон кирганда мен майхонаға,
Англамонким, ул заифи нотавоним келдиму?

Демангизким, келди маҳвашлар сени ўлтургали,
Муни денгким, қотили номеҳрибоним келдиму?

Ҳажрдин ўлдум демангким, бошинга келмиш Масиҳ,
Айтинг, ул осойиши руҳи равоним келдиму?

Кўюнга ушшоқ келгандин хабар туттунг, валек
Демадинг ул зори беному нишоним келдиму?

Зуҳд куйига кўнгул бирла деганким, келмадинг,
Эй Навоий, неча айтиб ул ёмоним келдиму?

13

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!

Кўзи қаҳринму дейин, кирпики, заҳринму дейин,
Бу қудурат аро рухсори сафосинму дейин?!

Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қаттиқ дард аро васлининг давосинму дейин?!

Зулфи долинму дейин, лаъли каломинму дейин,
Бирининг қаддин, яна бирнинг адосинму дейин?!

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўнглак узра гулрангни қабосинму
дейин?!

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
Жонима ҳар бирининг жабру жафосинму дейин?!

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини, айт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!

14

Бизнинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш.

Анга баским ёғар тош устига тош,
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урардин дам-бадам хороға бошин,
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор,
Хазу синжоби хору хора бўлмиш.

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди қониким, ғамидин,
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Навоий чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингға чорасизлиқ чора бўлмиш.

15

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландонимға айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дамбадам,
Базми айш ичра лабо-лаб бодаошомимға айт.

Ком талҳу бода заҳру ашк рангин бўлғанин,
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб,
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ишқида нангу номким тарк айладим,
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.

Эй кароматшўй, ишим оғози худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимға айт.

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини, зинҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.

16

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлайи оламда расволикка машҳур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё раб, ул миқдор қил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиққи, эрур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё рабки, маъмур
ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ўл ҳолимни айтур чоғда махмур ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатға мағрур ўлмасун.

17

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ул қуёш ҳажринда, қутқармен, фалакни ўртагай,
Ҳар шарореким бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.

Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон, бўлғон нафас жондин жудо?

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил,
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Ҳажр ўлимдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени,
Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.

Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

18

Гар жафо қил, гар вафоким, дилистоним сен менинг,
Гар мени ўлтур, агар тиргузки, жоним сен менинг.

Хоҳ раъно қад била боғи ёнимдин жилвагар,
Хоҳ кел қошимғаким, сарви равоним сен менинг.

Кўнглум ичра сенсену, ишқинг, не дей ҳолим сенга,
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Жилва айлаб ҳар замон, афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен — ўқ чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,
Бори бу бир-икки дамким меҳмоним сен менинг.

Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил,
Ким пари рухсоралардин танлағоним сен менинг.

Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсен ани,
Эртаки нозук мижози бадгумоним сен менинг.

19

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қаро бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди,
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.

Бақо топар улки, бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

20

Ёр бордию кўнглумда анинг нози қолубтур,
Андоғки қулоғим тўла овози қолубтур.

Кўз хонасини қилди барандохта бу ашк,
Кўз борди, вале хонабарандози қолибтур.

Кўнглум қуши то сунбулунгиз домиға тушти,
Булбул киби ҳар гул сори парвози қолибтур.

Ул қуш сафар айлаб, не тараб гулбунин очқай,
Ким боғ аро бир сарви сарафрози қолибтур.

Мен ишқ рамузин демай ўлдум, назар этким,
Фарҳод ила Мажнуннинг ўқуш рози қолубтур.

Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли чекар оҳ,
Ул иттию эл ичра сарвози қолубтур.

Ҳижрону висолин кўпу оз дема Навоий,
Юз шукур деким, кўпи бориб, ози қолубтур.

21

Гул кераксмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайин саҳбони бир гул мажлисоро бўлмаса.

Базм аро хуштур қадаҳ кавкаб, вале эрмас тамом,
Мутриби ҳуш лаҳжаи хуршид сиймо бўлмаса.

Меҳру, Моҳу, Муштарию, Зуҳра чун қилди тулуъ,
Ҳеч наҳс ахтар тулуъи анда қатъо бўлмаса.

Мунча бўлса ҳам муяссар жамъ эмас хотир ҳануз,
Токи муғ кўйида бир маҳфуз маъво бўлмаса.

Чун бу ерда ичкаридин руст боғланди эшик,
Одам эрмас ул кишиким, бодапаймо бўлмаса.

Хуштурур бу навъ амният, вале ақшомғача,
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Ҳар кишиға умрида бу навъ бир кун берса даст,
То абад ғам йўқ агар бўлса яна ё бўлмаса.

Умр базмида нишот асбоби дилкашдур басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса.

Эй Навоий, гар насибингдур абад умри, керак,
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса.



ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

1.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо ҳаққин онинг юз ганж ила.

2.

Йигитликда йиғ илмнинг махзанин
Қарилик чоғида харж қилғил ани.

3.

Илм ўқуб амал қилмағон, қариз қазиб тухум солмағонға ўхшар.

4.

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.
Тили-ю кўнгли бир киши айтган сўзга бут.

5.

Улки буюриб ўзи қилмағай ва ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.

6.

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

7.

Фосиқдан ҳаё тилама,
Золимдан вафо тилама.

8.

Оғизга келганини демак нодоннинг иши,
Оллиға келганини емак ҳайвоннинг иши.

9.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизга, ки эрур ёрлиғ иш.

10.

Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзингдан керакдур шикоят санга.

11.

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

12.

Қайси жоҳилға надомат бўлғай, ул олимчаким,
Ҳар не қилди билмади, ҳар неки билди қилмади.

13.

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким жони йўқ.

14.

Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу наф ўзунга кўпракдурур.

15.

Одамий эрсанг, демагил одами
Аники, йўқ халқ ғамидин ғами.

16.

Кимки фалак сори отар тошини
Тош ила озурда қилур бошини.

17.

Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳу эътибор,
Ким, анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.
Яхшилик гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордир яхшилиғ.

18.

Муҳит ичра нечукким наҳанг,
Киши урса бўлғайму гавҳарға чанг?

19.

Ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз муяссар эмас ишрате.

20.

Агар нафъдин бўлса маҳзан йироқ,
Анинг лаълидан хора кўп яхшироқ.

21.

Икки қаро пул чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъом ганж.

22.

Неча самар сочмоқ эса шох иши,
Кўпрак отар тош анга терган киши.

23.

Шам ёритур уй ичу тошини,
Уй эгаси кўпрак узар бошини.

24.

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоққи кўнгул Каъбаси.

25.

Киши ўзни ясаған била бўлурми ошиқ,
Субҳи козиб ёрумас эйлаки субҳи содиқ.

26.

Қайси кўнгулники, макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаълға кон этти ишқ.

27.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.

28.

Кўрмаса ҳусн мажози ичра жуз ҳақ сунъини,
Ошиқеким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз,
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз.

29.

Ҳар неким бебақодур, анга кўнгул боғламоқ
хатодур.

30.

Эрур қушга хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдин тикан ошён.

31.

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур, дури шаҳворсиз.

32.

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким этмиш садо?

33.

Киши айбинг деса, дам ўрмағилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир
айларму?

34.

Нодон дўстни ҳам дўст сонига киюрма,
Хирад шамъин анинг ҳарза афсонаси елидин
ўчурма.

35.

Ҳар гадоеким жаҳонда бир мувофиқ ёри бор,
Хизр умрию Скандар хашматидин ори бор.

36.

Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Ва орланиб сўрамаган ўзига золим.

37.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

38.

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак — биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

39.

Илмни ким воситайи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

40.

Моллиғ нодоннинг демаги,
Олтунлиғ чибиннинг емаги маълум.

41.

Олим керакки, ўз илмининг появу миқдорин
асрағай,
Гавҳарни имтиҳон учун тошқа ўрмағай.

42.

Гарчи қуёшдин парвариш олам юзига ом эрур,
Саҳрода қамғоғу тикан, бўстонда сарву гул
битур.

43.

Табиатка ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.

44.

Ёмонни агар яхши қилсанг гумон,
Эрур яхшини ҳам дегандек ёмон.

45.

Одам ўлган зеби зоҳирдин демас,
Кимки андин фахр этар, одам эмас,

46.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.

47.

Киши чинда сўз деса, зебодурур,
Неча мухтасар бўлса, авлодурур.

48.

Кўп деган кўп янгилур.

49.

Кўп демак сўзға мағрурлуқ.

50.

Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.

51.

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

52.

Назмки, маъно анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

53.

Жисм бўстониға шажар сўздур,
Руҳ ашжориға самар сўздур.

54.

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.

55.

Топканини сочти эл узра саҳоб,
Ким, ани ҳақ айлади гардунжаноб.
Мўр терар ҳар неки, сочқай киши,
Бўлди тириг гўрга кирмак иши.

56.

Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлик ҳам боре қилма.

57.

Бухл ила ютти садаф дурри соф,
Қилдилар олмағида кўксин шикоф.

58.

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз анга.

59.

Хуш улким, агар чекса минг хори дард,
Сўнги тушса илгига бир тоза вард.

60.

Олам элида биров саодатсиз ўлур,
Ким фақр йўлида итоатсиз ўлур.

61.

Оз иш учун тунду итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

62.

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур,
Кўрки бордур анинг калиди темур.

Қулф очарда гадою соҳиби тож
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

63.

Агар юз қатла булбул чексун афғон,
Баҳор ўлмас, гул очилмоқ на имкон.
Агар оламни тутсун шоми дайжур,
Тонг отмай кун чиқармоқ, кимга мақдур?

64.

Худписанд — нохирадманд.

65.

Қайси чибин кисвати заркордур,
Еру дурур, қайдаки мурдордур.

66.

Қариким, қилғай раънолиғ, тифледур ноболиғ.

67.

Эр кишиким кўп ясанғай, хирад аҳли анинг
ақлидин ўсанғай.

68.

Киши айбин юзига қилма изҳор,
Тааммул айла ўз айбингға зинҳор.

69.

Эл айбини айтурға биравким узатур тил,
Ўз айбини фош эткали узатур тил, бил.

70.

Душман ғуруридин ғам ема ва маддоҳ хушомадин
чин дема.

71.

Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ.

72.

Беша шерин гар забун қилсанг шужоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек
шужо.

73.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри баруфтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

74.

Эшак олида заъфарон хўб эмас,
Ки, нодонға зарбафт марғуб эмас.

75.

Элга қўшулган оройиш топти,
Элдин узулган осойиш топти.

76.

Юз йилки киши умр тилар, бил —
Ким сабр керакдур юз йил.

77.

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон-ёмони бил они.

78.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод
айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

79.

Шоҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не
тонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қирок.

80.

Ҳар кишиким, ростни бехост дер,
Айтса ёлғон доғи, эл рост дер.

81.

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

82.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун, кунингга айлагали нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

83.

Эрурсен шоҳ — агар огоҳсен сен.
Агар огоҳсен сен — шоҳсен сен.

84.

Ҳунарни асрабон нетгумдур охир,
Олиб туфроққаму кетгумдур охир?!

85.

Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен санга кўргузай йигитликни.

86.

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!

87.

Эранлар хизматидин чекмагил бош,
Агар бошингга гардундин ёғар тош.

88.

Ёр улдурки, ҳар неким ўзиға истамас, ёриға ҳам истамағай.

89.

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,
Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

90.

Икки кеманинг учин тутқан ғарқдур.

91.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдин қайтма.

92.

Бу сўзни аҳли ҳикмат дебдурур хўб:
«Ямондин оз беҳким, яхшидин кўп».

93.

Тахт чун бўлди шоҳдин холи,
Фитнадин холи ўлмас эл ҳоли.

94.

Эр кишига зебу зийнат ҳикмату донишдурур,
Яхши киймак бирла хотинларга оройишдурур.

95.

Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устод андин розидур — тенгри розидур.

96.

Умрни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнат саодатнинг калиди, бил.

97.

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким, кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

98.

Сўзнинг аснофи бағоят чўқдур, ёлғондин ямонроқ синфи йўқдур.

РУБОИЙЛАР

1

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

2

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

3

Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

4

Дедим: зақанинг тутиб, сақоғингни ўпай,
Кўз қошингга суртубон қабоғингни ўпай.
Гулдек юзинг ислабон дудоғингни ўпай,
Йўқ, йўқ, йўқ, агар десанг аёқингни ўпай.

5

Эй шарбати лаълинг оби ҳайвондин алаз,
Ҳайвон суйини қўйки, чучук жондин алаз.
Не жондин алаз, не оби ҳайвондин алаз,
Ким ҳар неки йўқ ондин алаз, ондин алаз.

6

То даҳрдурур, даҳр уза султон бўлғил,
То олам эрур, олам уза хон бўлғил,
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.



«RED, YELLOW, GREEN»

In ancient times the Turkish people described the four parts of the world with four colors: the North — in black color, the West — in yellow (white) color. The East consisting of never ending fields and deserts was always described with green color. The green East with full of humane ideas and views was also called the cradle of world culture, since in this land such great personalities as Abu Ali Ibn Sino (Avitcino), Al Farobiy, Mirzo Ulugbek were born. One of the wellknown sons of the East was Alisher Navoiy. It is not an easy job to speak simply about this person who was a master of beautiful words, decription of tender feelings. Most of the scholars used to compare him to the bright star shining in the East's sky. Thanks to their deep content and wealthy literary descriptions the rich literary heritage of the great Uzbek poet and thinker Alisher Navoiy occupies an important place in the treasury of world literature.

The leading theme of his works is man, his inner world and attitude to the existence. In his works the poet depicts the world with its divers colors, that is, beginning from a tiny element to the endless sky. The poet leads his ideas through the prism of human thinking, man's interaction with the outside world.

Alisher Navoiy is the founder of the Uzbek literary Language and founder father of the Uzbek classic literature, since he was the first to create literary works in the Uzbek language. His contemporaries had used to write their poems in the Farsy (Persian) language and had thought that it would

be impossible to write beautiful poems in Uzbek. In his tractat «Muhokamatul lugatayin» the poet defended the Uzbek language from the attack of those writers who looked down on Uzbek and had created beautiful poems. Zanhriddin Muhammad Bobur, Mahmur, Ogohiy, Muqimiy, Furqat, Zavqiy, Nodirabegim, Uvaysiy, Mahzuna and other poets are followers of Navoiy. Excited by the works of Alisher Navoiy and having read and learnt them they created their own works.

Now, I would like to tell a few words about gazel (a form of poem in the East). Gazel is one of the widely spread type of poem in the East. Mainly it is composed of 12—14 lines and rhyme as a-a, b-a. c-a, d-a. Each couple of lines of gazel have completed meaning.

For example, if the first line of gazel consists of twelve open and close syllables (open syllable ends with a vowel, close syllable — with a consonant). All other lines must end in the same way.

The readers of the West may think «Why does Navoiy deserve such great respect?». First, he is respected for being a favorite poet, scholar and statesman, second, for love of people, he fought not only with his witty words, with his deeds against scholastics, oppression, bloody struggles for the throne, he devoted himself completely to the path of justice and well — being of the people. On his own account the poet had built educational institutions, medrasas (schools) libraries and hospitals, since he had accumulated in himself the best features of our ancestors. In one of his wise sayings the poet states:

«Man is not said a man,
Of man if cares none».

Nizomiddin Mir Alisher Navoiy was born in the servaceman's family in shoh's palace on February 9, 1441 in Hirot city. His father Giyasiddin Kichkina (the Little) served in the palace of Shohruhmirzo, that is, he served in the Palace of the ruler of Khuroson. His mother was a princes' governess in the palace.

The atmosphere in the family awakened his interest in fiction. Since his father was an educated man his uncles Kobuliy and Garibiy were poets, and poetry parties were often held at their house, and poets who came their family used to recite their new gazels (poems). Alisher would participate in these poetry gatherings and would recite the gazels he had learnt. He started writing gazels when he was very young. According to his contemporary, historian Khondamir a popular poet of his time his Majesty Lutfiy requested young Alisher to recite him his newly written gazels. Twelve year old Alisher recited the following lines:

If my beloved hides her face, tears run out of my eyes,
Imagine, when the sun sets there appear stars.

His Majesty Lutfiy was fascinated so much that he said praises to Alisher saying «If it were possible I would have exchanged all my works with these two lines of your gazel». When Alisher was thirteen years old his father died. The ruler of Khoroson of that time Abulkosim Bobur adopted guardianship on young Alisher. At the age of fifteen Alisher started serving with his friend Husain Boykaro in the palace of Bobur on Mashhad. In 1457 Bobur died. Navoiy stayed in Mashhad and continued his studies. Husayin Boykaro who descended from the family of Temur the Great left for Marv and started preparations to seize the throne. But at that time he could not gain the throne. One

of the despot pheodal rulers Abu Said occupied the throne. He killed a number of relatives of Ulugbek. Since Alisher Navoiy was the frient of Husayin Boykaro Abu Said exiled him to Samarkand.

